

METHODOLOGY OF USE OF INFORMATION TECHNOLOGIES IN ORGANIZATION OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS CLASSES IN HIGHER EDUCATION

Barakaev Bahodir Urakovich

Lecturer at Samarkand State University

Tel: 91-298 67 27

ABSTRACT

The article emphasizes the importance of the use of information technology in the organization of physical education and sports lessons in higher education, the formation of worldview and thinking, the formation of physical, spiritual and moral qualities, the future of physical education and the teaching of physical education and sports.

Keywords: sports, pedagogical technologies, pedagogical process, information, information technologies, modern pedagogical technology, methods, criteria, practical lessons, interactive education, figurative thinking, intellectual development. Масаланинг долзарбилиги.

INTRODUCTION

Мустақил Ўзбекистон Республикасида шаклланаётган миллий истиқлол ғояси Республика Конституциясида эътироф этилган инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат ва жамиятни барпо этиш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожланишининг юқори босқичларига кўтариш, жаҳон ҳамжамияти сафидан муносиб ўрин әгаллашга йўналтирилган эзгу мақсадларни амалга оширишга хизмат қиласи.

Ушбу мақсадларнинг ижобий натижага эга бўлиши энг аввало, ёш авлодга илмий билимлар асосларини пухта ўргатиш, уларда кенг дунёқараш ҳамда тафаккур қўламини ҳосил қилиш, жисмоний, маънавий ва ахлоқий сифатларни шакллантириш борасидаги таълимий-тарбиявий ишларни самарали ташкил этишга боғлиқдир. Зоро, юртнинг порлоқ истиқболини яратиш, унинг номини жаҳонга кенг ёйиш, улуғ аждодлар томонидан яратилган миллий-маданий меросни жамиятга намойиш этиш, уларни бойитиш, мустақил Ўзбекистон Республикасининг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой әгаллашини таъминлаш ёш авлодни хар томонлама комил инсон ҳамда малакали мутахассис қилиб тарбиялашга боғлиқдир.

Жисмоний тарбия ва спорт ўқитувчилари ўқитиш услубларини мужассамлаштирган ҳолда, машғулотлар ўтиказишга тайёрланиши, турли ўқув қуролларидан самарали фойдаланиши ҳамда ўқув режаси ва дастурларини методологиясини очиб бериши лозим. Бироқ, шуни унутмаслик лозимки, ўқитиш ва ўргатиш жараёнларини бошқариш, мавжуд ўқув воситаларидан самарали фойдаланиш ва ўқув машғулотарида ўқувчиларга имкон қадар тушунарли бўлишини таъминлаш ва шу каби бошқа қўпгина вазифалар ўқитувчининг зиммасига тўлиқ юклатилади. Шундай экан жисмоний тарбия ва спорт фанлари ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш лозим. Бундан мақсад шуки, ўқитиш услуби шундай йўлга қўйилсинки, бунда ўқувчилар ўқитилаётган фанни ҳар қандай шароитда ҳам тўлиқ ўзлаштира олишсин.[1]

Жисмоний тарбия ва спорт дарсларида ўқитиш услубларини мужассамлаштирган ҳолда, замонавий педагогик технологияларни қўллаш самарадорлигини ошириш методи ва

воситалари. Ҳозирги кунда барча педагоглар сингари жисмоний тарбия ўқитувчилариға ҳам дарсларни замонавий педагогик талаблар асосида ташкил этиш, дарсга инновацион ёндашувни, ўқувчиларни мустақил фикрлашға ўргатиши дарс давомида шакллантириш каби илгор педагогик технологиялардан фойдаланишни талаб етади.

Дарҳақиқат, ҳозирги глобаллашув жараёнлари тобора кескинлашаётган бир даврда бевосита ёшларнинг умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлиги билан шуғулланувчи жисмоний тарбия ўқитувчилариға қаратилаётган эътибор бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, уларнинг муҳим хизматларидан бири шундаки, ўқувчи-талабаларни тарбиявий, маданий, тиббий, саноат қурилиш, ишлаб чиқариш каби касб-хунарга йўналтириш бўлса, иккинчидан уларни маҳсус жисмоний тайёргарлик билан қуролланишга маълум даражада хизмат қиласди.

Бугунги кунда ёш авлодга таълим берәётган ўқитувчиларнинг ўзлари замонавий инновацион технологияларни тўлиқ ўзлаштирган, ахборот-коммуникация воситаларидан оқилона фойдалана олиш қўникмаларига эга бўлишлари, умуман барча таълим-тарбия сирларидан воқиф бўлишлари талаб этилади.

Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари илмий педагогик фаолияти билан боғлиқ масалаларни ўрганишда, энг аввало, мазкур ҳодисага оид тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, “жисмоний тарбия” тушунчасининг ўзига бир қанча таърифлар берилганлигини кўришимиз мумкин. “Жисмоний тарбия – педагогик жараён бўлиб, инсон организмини морфологик ва функционал жиҳатдан такомиллаштиришга, унинг ҳаёти учун муҳим бўлган асосий ҳаракат малакасини, маҳоратини, улар билан боғлиқ бўлган билимларни шакллантириш ва яҳшилашга қаратилган” [2]. “Жисмоний тарбия организмни ҳар томонлама чиниқтиришга қаратилган, соғлиқни мустаҳкамлашни назарда тутган тарбия, жисмоний машқлар” каби таърифлар берилган [3].

Жисмоний тарбия ва спорт дарсларида ахборот технологияларининг таълим беришга мўлжалланган қисмида ўқув материалларини тақдим этганда унинг ўқувчилар томонидан тушуниш даражасига алоҳида эътибор берилади. Тақдим этилаётган ўқув материаллари таълим олувчилар учун содда, қулай, кўргазмали ва яхши ўзлаштириш учун изоҳли маълумотлар тавсия этилган бўлиши, шунингдек, ўқув материалларида керакли таърифлар, таянч иборалар, калит сўзларга мурожаат қилишда қўшимча имкониятлар яратилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, интерфаол таълим бир вақтда бир нечта масалани ҳал этиш имкониятини беради. Булардан асосийси-ўқувчиларнинг мулоқот олиб бориш бўйича қўникма ва малакалари ривожланади, ўқувчилар орасида эмоционал алоқалар ўрнатилишига ёрдам беради, уларни жамоа таркибида ишлашга, ўз ўртоқларининг фикрини тинглашга ўргатиш орқали тарбиявий вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди.

Бундан кўриниб турибдики, ахборот технологияларининг жисмоний тарбия ва спотр фанларида қўллаш ва дарс жараёнини ахборот технологиялари воситасида такомиллаштириш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни ўқувчиларга тақдим этиш, унда образли

фикарлаш, интеллуктуал ривожланиш даражасини юқорига күтариб қолмасдан, бу жараён ва анъанавий ўқитиш ўртасидаги нисбатни ўзгартиришга олиб келади.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзакаримов Юлдашбой Абдинабиевич “жисмоний тарбия ва спорт дарсларида замонавий педагогик технологийалардан фойдаланисҳнинг жиҳатлари” Innovative, educational, natural and social sciences. 2021 йил.
2. Абдуллаев А., Хонкелдиев Ш. Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти. Ўқув қўлланма. Т., ЎзДЖТИ, 2005. 12-б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллый энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 95-б.
4. Пирахунова Ф.Н., Назиров А.Х. Ўқитишнинг янги педагогик технологиялари. Услубий қўлланма. –Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЙА”. 2008, 3-48 бет.
5. Ўзбекистон Республикасида Кадрлар тайёрлаш Миллый дастури. “Ўзбекистон”, Тошкент, 1997 йил.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 16 октябрдаги “Олий ва ўрта махсус таълим давлат стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг енг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган мажлиси материалларидан “Ўзбекистон овози” газетаси, 2007 й 12 феврал.
8. Бордовская Н.В. Диалектика педагогического Исследования. –М.; 2001.
9. Селевко Г. Современные образовательные технологии: Учеб. пособ. –М. 1998 год.
10. Кузнецова. Н. Формирование систем понятий в современном обучении. –Л. 1985 год.
11. Левина М. Технологии профессионального педагогического образования. –М., 2001 г.
12. Материалы Республиканской научно-практической конференции «Проблемы формирования и совершенствования содержания содержания среднего специального, профессионального образования» Ташкент. 2001 г.